O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 21 март, № 56 (4209) Чоршанба

УЙҒОНИШ, НАФОСАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Она замин узра баҳорий насим эса бошлади. Табиатда мўъжизавий уйғунлик кузатилмоқда: кечагина оппоқ қордан қадди-басти эгилган, қаҳратон совуқда дийдираган дов-дарахтлар бугун куртак ёзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва боларилларга ошён бўлди.

Қуёш тандирига ўт қалайди. Унинг қайноқ тафтини соғинган майсалар нафис гиламдек кўзни қувнатиб, кўкка бўй чўзади. Ер кўкда уйғониш, янгиланиш, яшариш манзаралари намоён бўлмоқда. Ҳамалнинг оламни тутган майин, эркаловчи ифорларидан қалблар энтикади, шўх-шан учаётган қалдирғочлар саси юракларда ажиб ҳислар уйғотади. Мудроқ туйғулар жўшқинликка жой бўшатади. Тоғу тошдан шарқираб оқиб келаётган оби ҳаёт сой ва ариқларни тўлдиради — аёзда тин олган чархпалаклар яна айланишга тушади...

Борлиқдаги уйғониш, янгиланиш ва яшариш озод ва обод Ватанимизга боқий байрам, қут-барака, тўкинлик ва меҳру оқибат рамзи — Наврўзи олам кириб келганидан мужда беради. Эзгулик, муҳаббат, хайр-саховат, мурувват, шафқат ва шафоат, янгиланиш ва яшариш айёми қалбларга сурур, олам-олам қувонч ва янгидан-янги орзу-ҳаваслар бахш этади.

Фасллар келинчаги — баҳорнинг ана шундай фусункор дамларида уйғонаётган табиатга боқиб, бугунги нурафшон кунларга, ҳаётнинг бебаҳо неъматларига соғ-саломат етишганимиз, жаннатмонанд юртимиз осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги учун Яратганга шукроналар қиламиз.

20 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, спорт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 16.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграб, байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Мамлакатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Пурвиқор майдоннинг чор тарафида анвойи ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди, улкан ҳаво шарлари майин эпкинларда тебранади. Саҳна теграсида ўрнатилган турфа гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилолана-ди. Бундай ажиб манзаралар кўнгилларни тоғдай юксалтиради, томошабинларга хуш кайфият бағишлайди.

Майдон узра майин наво таралади. Мусиқий оҳангларга қушлар чуғури, жилға-сойларнинг жилдираши — баҳор ишвалари уйғунлашиб кетади. Ана шундай сеҳрли оҳанглар оғушида юртимизнинг ҳусн-малоҳатда тенгсиз табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган гўзал бинолари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку тароватли қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Анвойи гуллар кўзларни қувнатади. Булбуллар хониши руҳларга қучқудрат ато этади гўё.

Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарни алоҳида тараддуд билан қарши олади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 23 февралда қабул қилинган "Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори боқий байрамимизни муносиб кутиб олиш ва нишонлашга пухта замин яратди. Қарорга асосан юртимизда март ойи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Мамлакатимизда умумхалқ ҳашари ташкил этилди. Унда маҳаллалар, кўчалар, аҳоли тураржойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда табаррук қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Ҳашардан тушган маблағ меҳр-мурувват тадбирларини бажаришга, кўмакка муҳтож инсонлар ва оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишга йўналтирилади...



Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Гўё уларнинг садоси она заминни қиш уйқусидан уйғотиб, борлиққа баҳор сеп ёйганидан дарак беради. Ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, лолақизғалдоқдан алвонлашган чўл-биёбонлар кўз олдимизда гавдаланади. Бойчечагу бинафша бўйлари димоқни қитиқлайди, орзиқиб кутганимиз — баҳор ҳавосини сипқориб тўймаймиз...

Бу йил Наврўз мамлакатимизга эзгу ва хайрли юмушларни бошлаб келаётгани билан ҳам ўзгача қадр-қимматга эга. Зеро, Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган йилда жамиятимизда, кишиларимиз ўртасида халқимизга хос фазилатлардан бўлган ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат сингари инсоний аъмоллар янада ривож топмоқда. Бу борада давлатимизнинг махсус дастури қабул қилинди.

Аждодларимиз азалдан байрамда етим-есир, бева-бечора, хаста ва муҳтож, қисқа қилиб айтганда, ижтимоий ҳимояга — бир оғиз ширин сўз ва амалий кўмакка муҳтож кишиларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатишни ўзининг шарафли бурчи, деб билган. Бундай файзиёб кунларда жамики гина-кудуратлар орадан кўтарилиб, ўзаро самимият, оқибат, ҳамият ва меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкам боғланган...

Бугун юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди. Инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишлари давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида. «Ўзбек модели» деган ном билан дунёда тан олинган мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлининг негизида беш тамойилдан бири — айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш масаласи турибди, ҳам ана шундан.

(Давоми 2-бетда).



Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Она заминимиз ям-яшил либосга бурканиб, ўзининг бетакрор кўрку жамолини намоён қилаётган, баҳор нафаси уфуриб турган шу нурафшон кунларда барчамиз интизор бўлиб, орзиқиб кутадиган Наврўзи олам юртимизга кириб келмоқда.

Мана шу уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи – Наврўз айёми билан сиз, азизларни, сизлар орқали барча юртдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий меҳрим, ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Бугун мана шу муаззам майдондаги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчилари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча муҳтарам меҳмонларимизни Наврўз айёми билан қутлаб, қизғин олқишлар билан уларга ўз ҳурматимизни билдирамиз.

Биз билан ҳамнафас бўлиб яшаётган узоқ-яқин қўшни мамлакатларнинг халқларига, хорижий ҳамкор ва дўстларимизга элюртимиз номидан табрик ва тилакларимизни йўллаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, энг қадимий, илдизлари олис "Авесто" замонларига бориб туташадиган, уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган Наврўзи олам – шарқона янги йил ўзининг янгиланиш, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалби шуурига чуқур сингиб кетгани, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг қадрли, азиз ва суюкли миллий байрамдир.

Бу дилбар фаслда диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ёнатрофимиздаги табиатнинг нақадар ранг-баранг ва гўзал, қандай бетакрор ва жозибали эканини беихтиёр яна бир бор ҳис этади.

Офтоб ерни қиздириб, куртаклар очилиб, борлиқ уйғониши билан одамзотнинг қалби, баҳри дили ҳам очилиб, унинг вужуди, қон-қони, суяк-суягига янги куч-қувват, ғайрат ва азму шижоат кириши табиийдир.

Бу шукуҳли айёмда ёшу қари, ҳар қайси инсон ўзини мўъжизакор табиатнинг узвий бир қисми эканини чуқур англайди, табиий муҳитни асраб-авайлаб, у билан ҳамоҳанг бўлиб, бу осуда ҳаётнинг ҳар бир кунининг қадрига етиб яшаш кераклигини яна ва яна бир бор идрок этади.

Бу қутлуғ яшариш палласида еру кўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни қалбидан ўтказаётган одамларимизнинг дилларида қувонч, тилларида шукроналик ҳисси пайдо бўлади.

Шу мунаввар кунларда ҳар қайси инсон вужудида яқинларига меҳр-оқибат кўрсатиш, табаррук қарияларимизнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бемор ва муҳтож одамларга беминнат ёрдам ва кўмак беришдай савобли, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган туйғулар ўзини ёрқин намоён этади.

Айнан мана шундай халқимизга мансуб фазилатлар, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар одамларимизнинг онгу тафаккурида мустаҳкамланиб, уларнинг эртанги кунга ишончи тобора кучайиб бораётгани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий муҳитини ифода этаётганини кузатиш қийин эмас.

Айнан мана шундай маънавий иқлим охирги йилларда мамлакатимизда қўлга киритилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган ютуқ ва марраларга эришишда, эркин ҳаёт ва демократик жамият қуришда, ҳеч шубҳасиз, энг кучли замин ва гаров бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Халқимизда "Яхши одам – кўзидан, яхши йил – Наврўзидан маълум" деган чуқур мазмунли мақол бор. Бу йилги Наврўзимизнинг ҳар томонлама хосиятли, қутлуғ қадамлар билан бошланаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу кунларда Ватанимизнинг бепоён ҳудудларида, шаҳар ва қишлоқларида, сўлим гўшаларида Наврўз сайилларини кексаю ёш – барча юртдошларимиз катта хурсандчилик ва баланд руҳ билан ўтказаётгани бунинг яққол дараги ва тасдиғи бўлғай, иншоолло.

Барчамизнинг тилагимиз — Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизга, ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга файзу барака, бахту саодат берсин, дастурхонимизни тўкин, ризқимизни бутун қилсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Хушхабар

Куни кеча жаҳон бокс уюшмаси (WBA) ва жаҳон бокс ташкилоти (WBO) профессионал боксчиларнинг февраль ойи рейтингини эълон қилди. Аҳамиятлиси, юртдошимиз, енгилмас «Оқ Тайсон» деб эътироф этиладиган Руслан Чагаев WBA рейтингида биринчи ўринда қайд этилган.

Руслан рейтинг пешқадами

Бу Руслан учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди. Хабарингиз бор, ҳозир мазкур йўналишдаги чемпионлик камарига россиялик боксчи Николай Валуев эгалик қилмоқда. Руслан унга биринчи рақамли расмий даъвогар ҳисобланади.

Юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрган кунларда, Русланни машғулотлардан бироз чалғитиб бўлса-да, телефон орқали қисқача мулоқотга чорладик.

— Ҳозир Германияда устозларим қўли остида чемпионлик жангига тайёргарлик кўраяпман, — деди Руслан. — Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимни Наврўз айёми билан муборакбод этаман.

Энди бўлажак жанг ҳақида гапирадиган бўлсам, чемпионлик жанги қийин бўлиши аниқ. Биласиз, рақибим Николай Валуевнинг бўйи менга нисбатан анча баланд. Шунинг учун унинг бўйига мос келадиган рақиб топиб машғулотларда қатнашаяпман. Николайнинг зарбага чидамлилигини ҳам яхши биламан. Шунга қарамай, мен ғалаба қозонишга интиламан. Чунки бундай имконият ҳамиша бўлавермайди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига

ШАРҲ

Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, унинг турмуш ва фаровонлик даражасини изчил оширишга қаратилган кенг кўламли давлат сиёсатининг амалий ифодаси бўлди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва улар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Ушбу Фармон аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, барча ижтимоий муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш, шунингдек, ногиронлар, қариялар ва ёлғиз фуқаролар учун интернат-уйлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларининг моддий-техника базасини тубдан мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуини кўзда тутади. Юқоридаги чора-тадбирларни тўлиқ амалга ошириш учун асосан давлат бюджети ҳисобидан қўшимча равишда йилига 31,5 миллиард сўм ажратилмоқда.

Жумладан, Фармонда давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағларини 1,5 бараварга ошириш кўзда тутилган. Бу эса давлат бюджетидан қўшимча равишда 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратишни талаб қилади. Бунинг ҳисобидан йил давомида яна 100 минг кам таъминланган оила ойлик моддий ёрдам олиш имконига эга бўлади. Айни вақтда моддий ёрдам тўлаш муддати икки баравар – 3 ойдан 6 ойгача узайтирилди.

2007 йилда Ўзбекистонда ижтимоий мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми барча бюджет харажатларининг 55 фоизини ташкил этади, бевосита кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун эса бюджетнинг 9 фоизга яқин қисми (460 миллиард сўм) сарфланади. Бу кўрсаткич ушбу мақсадлар учун харажатлар умумий бюджетининг 2 фоиздан 5 фоизгачасини ташкил этадиган МДҲнинг бошқа давлатлари ва дунёнинг кўпчилик ривожланган мамлакатларидагига қараганда анча юқоридир. 2007 йилда ҳаммаси бўлиб оилаларнинг 28 фоизини ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўловлари билан таъминлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Фармонда эҳтиёжманд оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари риоя этиши лозим бўлган асосий тамойиллар янада такомиллаштирилди. Бу, авваламбор, ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш, моддий ёрдамни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишдан иборат.

Пенсионерлар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантиришга катта эътибор берилган. Фармонда тиббий-ижтимоий муассасалар ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдорини 15 фоиздан 25 фоизгача ошириш, "Мурувват" болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлар ва санитарлар иш ҳақини ўртача 10 фоизга кўпайтириш белгилаб қўйилган. Шунингдек, ногирон болалар билан олиб бориладиган ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш мақсадида «Мурувват» интернат-уйлари тарбиячилари учун иш меъёри 3 баравар, яъни ҳар бир тарбиячи учун 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болага камайтирилди, бу эса халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб беради.

Бундан ташқари, 2007 йилдан бошлаб ногиронларга уйда хизмат кўрсатувчи ижтимоий ходимлар ва педагогларга жамоат транспортида йўл ҳақи харажатлари учун ҳар ойда 12420 сўмдан 18630 сўмгача компенсация тўлаш жорий қилинади. Бу мақсадлар учун 2007 йилда бюджетдан қўшимча 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилади.

Ёлғиз фуқаролар, қариялар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Фармонда қариялар ва ногиронлар учун интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Бу эҳтиёжлар учун, аввал кўзда тутилган маблағларга қўшимча равишда, 9,5 миллиард сўм, шу жумладан бюджетдан 5,2 миллиард сўмдан ортиқ, бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан эса 4,3 миллиард сўм ажратилган.

Бундан ташқари, «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослашган мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва уларга махсус транспорт сотиб олиш учун аввал кўзда тутилган молиялаш ҳажмларига қўшимча равишда бюджетдан 8,2 миллиард сўм ажратиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг амалга оширилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтиришни таъминлайди, қўшимча ижтимоий ҳимоя чораларига муҳтож кам таъминланган оилалар ва фуқароларнинг фаровонлигини ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури чора-тадбирларини тўлиқ амалга оширишда муҳим омил бўлади.





УЙҒОНИШ, НАФОСАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

2007 йилнинг давлат бюджетида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратиладиган маблағлар миқдори ошди. Бюджетнинг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари ўтган йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда 54,1 фоизга етди. Бу борадаги амалий ишлар жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлмиш тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилмоқда.

Юртимиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан, ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида машҳур. Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг кўплаб соҳалари тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссасини дунё аҳли кенг эътироф этган. Мамлакатимизда аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Буюк аллома ва азиз авлиёларимиз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши мамлакатимизда ислом маданиятини, маънавий қадриятларни тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган хайрли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди. Президентимиз Ислом Каримов "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида бу воқеага "Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига кўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи" деб таъриф берди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қарорида ушбу меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, у ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси белгилаб берилди.

Халқимиз доим Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик ва илҳақлик билан қарши олади. Ёшу қари кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга, дашту далаларга, қирадирларга чиқади. Сайил қизийди: ҳофизу хонандалар хониш қилади, бахшилар дўмбира чертади, терма ва лапарлар янграйди, аскиячи ва қизиқчиларнинг ичакузди латифаю пайровлари кўнгилларга шодлик улашади. Кишилар дорбозу морбоз, масхарабозу қўғирчоқбозлар баҳси, улоқ-кўпкари, пойга, кураш, мерганлик томошаларидан завқланадилар. Дастурхонларни баҳорий таомлар безайди, дошқозонларда сумалак қайнайди...

Юртимизда буюк боболаримиз асрлар давомида яратган беқиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган юртга хурсандчилик, тўй-томоша яраша-ди. Жорий йилда юртимизда ер юзининг сайқали бўлмиш Самарқанд шаҳрининг 2750 ва Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланади. Самарқанд шаҳри дунё мусиқа ихлосмандларини "Шарқ тароналари"га чорлайди.

Ранг-баранг ашула ва рақс, мақом ансамблари, эстрада-симфоник оркестри, хор жамоалари, театрлар, турли бадиий жамоаларнинг чиқишлари, майдон саҳнида уюштирилаётган халқ ўйинлари, куйланаётган қўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Диёримизда ягона оила фарзандларидек аҳил ва иноқликда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг бадиий ижролари қалбларни фахрга тўлдиради. Буларда Наврўзнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада яққол, баралла намоён бўлади.

Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида ҳам қадрлидир. Бу айём арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланди. Юртимизда шу кунларда янги қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари, маданият ва хизмат кўрсатиш иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар моҳиятида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам...

Саҳна томошалари қизиқарли, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди.

Кун билан тун тенглашадиган Наврўзга азалдан аждодларимиз ризқ-насиба, нажот ва барака фурсати сифатида қараган. Баҳорий юмушлар ана шу кундан бошланган, деҳқон далага қўш чиқариб, барака уруғи сочган. Асрий анъаналаримизга кўра айни кунларда деҳқонларимиз дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, деган ниятда ерга уруғ қадамокдалар.

Ҳамжиҳатлик, ташаббускорлик ва ҳалол меҳнат улуғланган юртда барака бўлади. Буни ўтган йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминлангани — ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Юртимизда инвестиция муҳити яхшиланиши натижасида хорижий инвестициялар ҳажми 25,4 фоизга ортди. Қишлоқ хўжалигида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўтган йили 666 ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобига 74 мингдан ортиқ янги фермер хўжалиги иш бошлади. Қишлоқда меҳнат кооперациясининг янги шакллари жорий этилди, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослашган қарийб 200 агрофирма юзага келди.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва янги иш жойлар очиш борасида изчил ўсиш кўзга ташланмоқда. Ўтган йили бевосита меҳнат билан банд бўлган кишиларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга ортган бўлса, аҳолининг реал даромадлари ўртача 22 фоизга кўпайди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил пасайтириб бориш, хусусий бизнес учун қулай шароит яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш даражасини изчил оширишни таъминлаш устувор вазифалардан бўлиб қолаверади. Бундай ҳаётбахш саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида, аввало, халқимиз фаровонлиги, юртимиз равнақини таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар жамулжамдир...

Саҳнага ширин-шакар болакайлар кириб келади. Юзларида самимият ва беғуборлик балқиган кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-қўшиқлари, жозибадор рақслари байрам аҳлини завқлантириб юборади.

Мамлакатимизда фарзандлар таълим-тарбияси, соғлиғи доимий эътиборда. Таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги мақсадли умуммиллий дастурларни амалга ошириш борасида кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Ҳаётимиз гуллари бўлган хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Юртимиздаги ҳаётбахш ўзгариш ва янгиланишларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалби, онгу шуурида акс этаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар, юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончи тўла тасдиқлайди.

Байрамда ўзбек миллий кураш мактабининг анъаналарини маҳорат билан давом эттираётган янги авлод вакиллари, спорт намояндалари, цирк усталари, Ўзбекистон байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарган спортчиларимиз, мамлакатимиз сарҳадлари посбонлари — ҳарбийларимиз ҳозир бўлади.

Ўзбекистон — полвонлар юрти. Истиқлол туфайли ўзбекнинг кураши дунёни забт этмоқда. Бугун дунёнинг барча қитъаларида ўзбекона яктак кийиб, ўзбекча "таъзим", "ҳалол", "чала", "ёнбош" каби ибораларга риоя этиб кураш тушаётганлар бисёр. Спортчи йигит-қизларимизнинг донги қитъалараро ёйилмоқда, уларнинг ғалабаси шарафига юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада оммавий спорт ўйинлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли минг-минглаб спортчилар етишиб чиқмоқда. Муҳими, руҳи тетик, илиги тўқ, билаги бақувват авлод вояга етмоқда. Мардонавор ғалабалари билан юртимиз шуҳратини овоза қилган спортчиларимиз, шеркелбат ҳарбийларимиз — Она-юрт ҳимоячилари билан фахрланамиз.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақсларга мушакбозлик уланиб кетади...

Миллий боғ йўлаклари бўйлаб жой олган турли қандолат, ноз-неъматлар, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари расталарида ҳаёт қайнайди. Қўли ширин пазандалар дошқозонлардан ҳовури таралиб турган сумалак, ҳалим, палов сингари турфа таомлар билан сайил иштирокчиларини сийлайдилар.

Президент Ислом Каримов ярмаркага қўйилган ҳунармандлик маҳсулотлари билан танишди...

Юртимизда, унинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида — барча гўшаларда Наврўз сайли, шодиёналар давом этмоқда.

Озод ва обод юртимизга хуш келдинг, уйғониш, яшариш, янгиланиш ва меҳр-оқибат айёми! Қадимий байраминг — Наврўзи олам муборак бўлсин, Ўзбекистоним!

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ,
Дилшод ЮСУПОВ
олган суратлар.

Сурур

Қадамингда гуллар унса...

Умр бўйи бир хўжаликда меҳнат қилиб, нафақага чиқдим. Касбим ер тузувчи – ирригатор эмасми, Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириб, боғ қилишда ўз ҳиссамни қўшдим.

Бу йил Наврўз олдидан оила аъзоларим билан тошлоқ бир ерни боғ-роғга айлантирдик. Қўрғонтепа адири захирасидан 30 гектар ерни ўзлаштириб, бодомзор, ўрикзор, анжирзор ва узумзор барпо этдик. Бу янги боғ қадим Буюк Ипак йўли ёқасида, Қўқон-Фарғона йўли яқинида бунёд бўлди. Даромадимиз ҳисобидан шу йўл бўйида чойхона, ошхона, меҳмонхона, дам олиш оромгоҳи каби маиший хизмат кўрсатиш сервисларини барпо этмоқчимиз.

Юртимизни бежиз жаннатмонанд ўлка дейишмайди, у кенг ва бепоён. Боғ-роғлар яратиш учун минглаб яроқли ерлар мавжуд. Буни фарзандларимизга уқтириш, ернинг фойдаси ҳақида уларга тўғри маслаҳатлар беришда биз, фахрий меҳнаткашларнинг ҳам ҳиссамиз бўлса, дейман. Чунки инсон доимо ноз-неъматга эҳтиёж сезади. Янги-янги боғларни бунёд этиш, Ватанни янада кўркам айлашда биз қарияларнинг ҳали куч-қудратимиз етарли. Истагим, байрамларимизни ям-яшил, обод гўшаларда кутиб олаверайлик. Ернинг қадрини билган тадбиркорларимиз, ишбилармонларимиз кўпаяверсин.

Қаюмжон УМАРРАСУЛОВ,
Олтиариқ туманидаги
Исломобод фермер хўжалиги раҳбари.

Етказганига шукур

Ромитан туманининг "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Муллоён" қишлоғида Шарифа ая Бозорова исмли мўътабар онахон яшайди. Қутлуғ Наврўз айёми арафасида ая 124 баҳорини қаршилаяпти.

Файзли хонадонда бугун байрам шукуҳи кезмоқда. Невараю чеваралар, яқин қариндош-уруғ ва қўни-қўшни жам бўлган дастурхон тўрида ўтириб, Шарифа момо қўлини дуога очади: "Азиз фарзандларим, дилбандларим... Сизлар айтгандай, анча улғайиб қўйибман, ўзиям. Ўтган умрим билан боғлиқ хотираларни эласам, не-не жудоликлар, машаққатларга дуч келмабман-а. Барига сабр қилдим, чеккан азобу уқубатларимга яраша мукофот олмасам-да, меҳнатдан бўйин товламадим. Бугунги мустақиллик, бахтли кунлар, кўпчилик ардоғида эканим ўша меҳнатларнинг мукофоти бўлса керак. Шу кунларга етказгани учун Яратганга шукрлар айтаман..."

Меҳмондорчилик ширин суҳбатга уланди. "Нуроний" жамғармасининг вилоят ва туман кенгаши вакиллари, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси момони табаррук айлаб, совғалар топширдилар.

Момони четдан кузатарканман, кўзларида ёш йилтиллаганини кўрдим. Бу шукроналик, бахтиёрлик, севинч ёшлари бўлса керак...

Жўра ФОЗИЛ,
"Ромитаннома" газетаси
бош муҳаррири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси олдидан

Парламент юқори палатасининг яқинда бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлиси кун тартибига «Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам киритилиши, оддий фуқаро сифатида, мени жуда қувонтирди.



Саховатпешаликнинг ҳуқуқий негизи

Айтиш лозимки, инсон манфаатлари устувор жамиятда ижтимоий аҳволи, ёшу қарилигидан қатъи назар, барча тенг ҳуқуқли равишда ҳаёт кечиради, имкониятлардан бир хил баҳраманд бўладилар. Яратганга беадад шукрки, жамиятимизда инсонпарварлик, ижтимоий ҳимоя тушунчалари олий қадрият сифатида эътироф этилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинаяпти. Пенсия таъминоти, аҳолининг кам таъминланган қатламларига давлат томонидан ажратилаётган турли тўловлар, ойлик маошларнинг мунтазам ошириб борилиши фуқароларнинг турмушини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаяпти. Орамизда яшаётган саховатпеша инсонларнинг ёрдамга муҳтож кишиларга кўрсатаётган кўмаги эса ўзбек халқининг меҳр-оқибатли ва саховатли эканидан далолатдир.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя борасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти фақат шулар билан чегараланиб қолмайди, албатта. Чунки бугун аҳолини ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилиш дегани, биз тасаввур қилаётган оддий молиявий ёрдам беришнигина эмас, балки фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдек кенг кўламли ишларни қамраб олади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор».

Шундай экан, ижтимоий ҳимоя нафақат давлат, балки жамиятимиз томонидан ҳам онгли равишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

«Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги фаолиятнинг ҳуқуқий асосини яратади ва мустаҳкамлайди. Ижтимоий ҳимоя қилишни янада яхшилаш, халқ фаровонлигини ошириш учун хизмат қилади.

Шахриддин ҒАНИЕВ,
Тошкент давлат юридик
институти ўқитувчиси.



Ҳайратлари сиғмайди сўзга...

Бахтиёр САРИКУЛОВ, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани:

— Туманимиздаги 18-умумтаълим мактабида тарих фанидан дарс бераман. Байрам арафасида бир гуруҳ ўқувчиларимизни Мустақиллик майдонига олиб келдик. Бу ердаги ўзгаришлар, айниқса, Эзгулик аркаси болаларда катта таассурот қолдирди. "Бу жой телевизорда кўрганимиздан ҳам чиройли экан" деб, қувончлари ичига сиғмай юришибди. Улар билан, мактабимизга қайтгач, шу ҳақда иншо ёзишга келишиб олдик. Ишончим комилки, ўқувчиларимнинг бу галги ижодий ишлари бир-биридан зўр бўлади. Чунки бугун уларнинг кўзларидаги ҳайратда Ватан қудрати акс этди.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

БАҲОРГА АТАЛГАН ҚЎШИҚЛАР

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқованинг хайрия концерти бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу хайрия концертида диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, турли соҳаларда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган табаррук онахонлар, кам таъминланган, серфарзанд оилалар вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида, кишиларга маънавий кўмак кўрсатишга, жамиятимизда саховат, эзгулик ва меҳр-мурувват муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунда турли ижтимоий лойиҳалар, хайрия тадбирлари ўзига хос ўрин тутади. Айниқса, янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўз байрами кунлари ана шундай хайрли тадбирлар кўлами янада кенгайгани эътиборга моликдир.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси пойтахтимиздаги Меҳрибонлик, Мурувват ҳамда Саховат уйлари, махсус мактаб-интернатлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эътиборга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, турли концертлар, байрам дастурларини ташкил этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган жамоат ташкилотларидан. Ушбу концерт қўмитанинг Наврўз муносабати билан уларга аталган ўзига хос совғасидир.

Концертда таниқли санъаткорнинг баҳор айёмига аталган янги қўшиқлари янгради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Юлкамга Наврўз



Дил изҳори

Дарахтлар замин саҳнига битилган ғазал. Инсонлар шу ғазалнинг хаттотларидир. Бу Шўрчи туманидаги «Оққўрғон» қишлоғида яшайдиган боғбон Ҳайдархон Маҳмудовнинг гаплари.

Ҳайдархон акамиз шинаванда дўст. Мусиқа шайдоси. Ҳаваскор шоир. Ва... чинакам боғбон. Таниш-билишларига ўзи таклиф қилади, айтадики, қанча ва қандай кўчат лозим бўлса, хўжалигимиздан олиб келинг. Пулини, эсингиздан чиқмаса, кўчат ҳосилга ўтиргандан сўнг берарсиз, дейди.

Пўлат издан яшнаётир тоғлар дараси



Хўжалиги Далварзин қишлоғининг Сурхон соҳилига туташ ҳудудида. Қумлоқ ва тошлоқ жойда. Сочини эслатувчи бу чорвокда минг хил дарахт ўстирилган. Ўзи айтиб бермаса, кўп дарахтларни танимайсиз: агава, юка, финики, пальма, саврнинг беш хил тури, дуб, ўн хил қайин, зайтун. Бу ранг-баранглики кўриб, Маҳмудов дунёдаги жами имло-алифболарни ўзлаштирган хаттот экан-ку, дейсиз.

Дарвоқе, боғбоннинг хаттот деб сифатланишини мен биринчи марта сариосиёлик Носир бобо Тўрақуловдан эшитганман. Боғбонликнинг даромадидан Газарак қишлоғида мактаб қурганида Носир бобо бу ишни шунчаки ҳомийликми, саховатми деб тушунгандай бўлувди. Мактабга совға қилган китобларимни шу болалар ўқиса-ку яхши, деб гумонсираган эди. Йўқ. Қайси кунги Наврўз ҳашарида ўша «болалар» боболарининг ҳузурига келишди. Бизга иш кўрсатинг. Бизга иш ўргатинг. Биз ҳам фермер бўлайлик. Сиздек боғбон бўлайлик. Боғ яратайлик, дейишди. Бу ҳиммат бобонинг кўзларида қувонч ёшлари қалқиди. Бобо ўз ҳиммати ва меҳнатининг беҳуда кетмаганини кўрди. Бобо ўзи яратган боғнинг унча-мунча шамолларга тўкилиб кетавермайдиган, барглари мустаҳкам меваларини кўрди. Ўша куни бобо мактаб ўқувчиларини «Наврўз»нинг, мустақиллигимизнинг ниҳоллари деб эркалади.

Сурхондарёда Наврўз ҳашарларининг каттаси Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл қурилишида кузатилмоқда. Йирик инвестиция жалб этилган, умумий лойиҳа қиймати 450 миллион сўмга баравар келадиган қурилиш ишлари бугун авж ва якун палласида. Бойсун тоғида «Чақчақ» деган довон бор. Чақ бу «Чоҳ» сўзининг шевадаги ифодаси. Ҳар бир қаричи чоҳ ва қоялардан иборат ҳудуд дегани. Тошгузар қишлоғидан ётқизиб бошланган темир йўл Окработ бекатига етди. Қумқўрғондан чиққан поезд гулдураси Дарбанд дараларини асрий мудроқдан уйғотди. Демак, туташув масофаси овоз берсанг эшитиладиган даражада қисқариб бормоқда. 17-20 чақирим қолмоқда.

Чак-чак ҳудудида юмушларнинг бутун кеча-кундуз зарбдорчасига олиб борилаётгани шундан. Бу ерда кейинги икки ойнинг ичида 700 минг куб метр ҳажмдаги тупроқ ишлари бажарилди.

— Шароитимиз яхши. Машинамиз вақтида берилаяпти, — дейди механизатор М. Абдуллаев. — Унча-мунча тепаликни қилт этказмасдан суриб кетадиган бульдозерларимиз бор. Наврўз шанбалиги яхши бўлди. Бирон техника тўхтаб турмади. Шанбалик жамғармасига иш ҳақим ҳисобидан 10 минг сўм пул улуш қўшдим. Ҳашар — хайрли иш. Аҳиллика, бир ёқадан бош чиқариб ишлашга чорлов. Тоғу тошларни маҳв этиб, катта йўллар қураётганимиз, аввало, аҳиллигимиз шарофатидир.

— Бир қарашда кўп катта кўринмайдиган участкамиздаги ишлар техника-стратегик жиҳатидан ўта мураккаб, масъулиятли, — дейди мутахассис Асқар Холиқов. — Жадал суръат билан ишлаш ўз йўлига. Муҳими, етти ўлчаб бир кесиш керак. Иш пишиқ-пухта, ишончли бўлиши керак. Биз қурган йўллардан поездлар имиллаб эмас, эркин, елиб-учиб ўтиши керак.

Участкада ҳозир мингдан ортиқ қурувчи-механизатор ишлаяпти. Чебоксар бульдозерларидан тортиб «Шантуй» машиналари, боя айтганимиздек, бир тепаликни елкасига ўнгариб кетадиган самосваллар. Улар «Окработ-Оқназар»-даги юмушларни уддалаб, «Окработ-Шўроб» ҳудудига ўтишган.

— Биласизки, бу катта қурилишнинг бош пудратчиси «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг йўл хўжалиги бошқармаси, — дейди «Шерободсувқурилиш» ОТАЖ истиқболни белгилаш ва пудрат ишлари бўлими бошлиғи Эшмирза Холбоев. — Ёрдамчи пудратчи сифатида Дарбанд-Шўроб участкаларида суньий иншоотларни қураяпмиз. 223 километрга чўзилган темир йўл аввал кўзда тутилганидан бир йил илгари фойдаланишга топширилиши керак. Вақт зиқ. Ишлар тиғиз. Лекин қўлдан ўтар — эгасига етар тарзида иш тутишга ўрин йўқ! Тоғнинг бемаврид сизган бир томчи суви нохуш ташвишларни келтириб чиқариши мумкин. Янги темир йўл бизнинг осмонўпар чўққиларга қадаган байроғимиз бўлади.

Ҳозир қурувчиларимизнинг қўли қўлига тегмайди. Чунки иншоот қурилмасдан туриб тупроқ ишлари бажарилмайди. Биз ишни тўхтатмаймиз. Бошқаларни куттириб қўймаймиз.

Темир йўл қурилишининг гидро ва қўприк иншоотлари учун темир бетон ашёларининг асосий қисмини Қумқўрғондаги «Сурхон» комбинати очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти етказиб бермоқда.



— Қурилиш давом этаётган беш йил ичида пудратчилар биздан 124 турдаги 10 миллиард сўмликдан зиёд плита, пойдевор эмас, балки юқори босимга бардошли қувурлар олишди, — дейди жамият раиси Қорахон Турсунов. — Маҳсулотимиз сифати хусусида улардан бирорта ҳам эътироз эшитмаганимиз бош ютуғимиздир. Муҳаммадали Маматқулов, Абдуҳалил Жавлиев, Абдурашид Пардаев, Баҳриддин Хуррамов каби пайвандчи, ишчиларимиз ўз касбларининг олий мақомдаги устаси даражасига кўтарилдилар.

Эътиборли ҳолат: Соат Алманов деган меҳнат фахрийси (собиқ қурувчи) яқинда ишчи поезди билан Қумқўрғондан Дарбандга қадар бориб келганини айтиб қолди. Таассуротлари — бир олам. Кофрунсойдан ўтган узунлиги 54 метр, баландлиги ўттиз метрча келадиган кўприк, 4 та бекат, 8 та разъезд, 300 га яқин йирик-майда иншоотлар. Работ — Дарбанд оралиғидаги узунлиги 118 метрли галерея очиқ туннел қурилиши бошланган...

— Мен Қирғизистон, Қозоғистон тоғларидан поездда ўтганман. Бойсуннинг темир йўли, лекин — мўъжиза. Поезднинг чиранмай, эркин юриши лойиҳанинг зўрлигидан нишона. Қурилишнинг қуймалигини айтинг — ўз номи билан чинакамига темир йўл. Мустақиллигимизнинг йўли. Имкониятларимизнинг кўзгуси, — дейди Алманов.

Ҳа, янги темир йўл бу бадан-бадан ҳодир, баркамол юртимизнинг ҳиммати. У фақат юк ва йўловчи ташиш воситаси бўлиб қолмай, имкониятларимизни яна бойитишимизга хизмат қиладиган дастёр. Бойсун — Хонжиза тоғлари қаъридаги чексиз қазилма бойликлар хазинаси учун калит. Йўл қурилиши баробарида бу заминда кўмир, нефть-газ, қимматбаҳо ярим металл захираларини очишга, уларни қайта ишлашга қаратилган геология-разведка ишлари бошлаб юборилди. Ҳадемай, 7 та жойда янги конлар захираси аниқланди. Ҳукуматимизнинг қарори билан Ўзбекистон реконструкция ва тараққиёт жамғармаси маблағини мувофиқлаштирган ҳолда сармоявий дастур тасдиқланди. Унга асосан Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати 2007 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хонжиза конларининг полуметалл рудаларини қайта ишлай бошлайди. Хонжиза — Хазина тоғ рух, қўрғошин, мис, кумуш захираларининг ҳажми беқиёс. Янги темир йўл коммуникацияси бу захираларни иқтисодиётимизга туташтирувчи олтин ҳалқа вазифасини ўтаяжак.

Дарвоқе, истиқболимизга дахлдор бу гапларни яна Наврўзга, ҳашарларимизга, Ҳайдархон Маҳмудовнинг, Носир бобонинг гапларига боғлагимиз келаверади.

— Янги темир йўлнинг янги бекати — Окработда катта ҳашар ўтказдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини посбони Камол Жўраев. — Маҳалла аҳлию мактаб ўқувчилари йўл ўтган ҳудудларда 2 минг кўчат қадашди.

Окработ, Дарбанд, Тангимуш, Работ, Оқлар бекатлари атрофидагилар ҳам қараб туришгани йўқ. Бир туп дарахт ўстиргинки, бу сенинг юртга бўлган меҳрингдан нишона бўлиб гулласин. Боғ-ўрмонлар яратгинки, эл-юрт орзулари ушалаётганидан достон бўлиб шовуллаб қуйлаб турсин. Бир қадам қўйгинки, келажак авлодинг бу ишингни фахр билиб, ғурур билиб кўзларига тўтиё қилиб яшасин.

Заминингда ўстирган дарахтларинг бутун оламни ҳазрат Навоийнинг ғазалларидек, умрбоқийлик, эзгуликка чорлаб турсин.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИРКОР ГУЗАР ҚУРДИ

Наврўз байрами арафасида Навоий вилояти Қизилтепа туманининг Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.

Қурилишига тадбиркор Бобожон Каримов ҳисса қўшган гузарда барча қулайликларга эга сартарошхона, суратхона, пойабзал таъмирлаш ва телерадиотузатиш устахоналари, савдо дўконлари иш бошлади. "Ванғози оқшоми" деб номланган тўйхонада турли байрам тадбирлари, тўй маросимларини ўтказиш мумкин.

— Наврўз байрамини ҳар йили катта кўтаринкилик, яхши кайфият, янги иншоотларни ишга тушириш билан қарши оламиз, — дейди Ванғози қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Музаффар Исматов. — Ўтган йили шу пайтда қишлоғимизда 540 ўринли қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи қуриб битказилган, 32-мактаб реконструкция қилинган эди.

Ҳозир бу ерда ёғмой экстракция заводи қурилиши ҳамда 12-мактабни капитал таъмирлаш ишлари давом этаяпти. Қарийб 20 минг киши истиқомат қиладиган қишлоқ ҳудудида қурилиш ва ободончилик ишлари жадал давом этмоқда.

Ёркул УМАР,
ЎзА мухбири.

Ифтихор

Яқинда бир тижорат газетасида ўқиб қолдим: унда инсоният нишонлаб келаётган энг қадимги байрамлар тўғрисида гап кетган. Қарангки, бу газетада Ер юзининг катта қисмида нишонланиб келинаётган, 30 ёки 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси билан боғлиқ Янги йил байрамини, шунингдек, турли халқларнинг диний байрамлари энг қадимги байрамлар деб тилга олинибди.

Ардоқдадир Азалий удум

Буларда ҳақиқат йўқ эмас, албатта. Бироқ бу газета муаллифи дунёдаги энг қадимги байрам — Наврўз айёми эканлигидан айтарли хабардор эмас, шекилли. Чунки Наврўз — ўз ёшига кўра, инсоният нишонлаб келаётган барча байрамларнинг бобокалони бўлса, ажаб эмас. Масалан, Янги йил — инсоният тарихида милодий йил ҳисоби билан ўз ҳаётини бошлаган байрам. Демак, унга 2007 йил бўлаяпти. Аммо Наврўз бундан 3 минг йил аввал дунёга келган «Авесто» китобидаёқ Шарқ халқларининг анча-мунча пайтдан буён нишонланиб келинаётган байрами сифатида таъриф ва тавсиф этилади. Демак, «Авесто»дай энг қадимги китоб Наврўзни ўша замонларда халқлар ўртасида кенг нишонлаб келинаётган байрам деб гувоҳлик берар экан, пировардида, бу айём Шарқ халқлари орасида «Авесто» замонидан ҳам анча олдин мавжуд бўлганлигини хаёлан тасаввур этиш қийин эмас. Уни тахминан, 4-5 минг йиллик тарихга эга айём, деб эътироф этишимиз мумкин. Аммо бу ҳисоб ҳам Наврўзга нисбатан тахминийдир. Аслида, Наврўз қачон илк бор нишонланганини билиш одамзот учун мушкуллигидан бўлса керак, унинг ибтидоси ҳақида афсоналар, ривоятлар тўқилган, холос. Ҳеч ким Наврўз айёми фалончи асрда бошланган деб айта олмайди. Чунки у ниҳоятда кўҳна, қадимий байрамдир ва қарангки, ниҳоятда яшовчан, умрбоқий байрам бўлиб келаяпти.

Наврўз — энг халқчил байрам. Уни халқнинг ўзи яратган. Халқнинг энг тоза, энг эзгу орзу-ниятларидан яралган. Яъни Наврўз бунёдкорликни, қурувчиликни, экишни, кўкартиришни, ердаги ҳаётни яшнатишни неча минг йиллардан буён улуғлаб келаяпти. Ахир инсоният учун бундан-да азиз мақсад, орзуният бўлиши мумкинми?! Ҳаётни бузиш, барбод этишдан осон иш йўқ. Аммо уни тиклаш, оёққа қўйиш, ривожлантириш, обод ва фаровон этиш учун одамзотда кучли интилиш ва мақсад бўлиши керак. Одамзотдаги ана шундай матонатли, ёруғ, олижаноб аъмолларни тинимсиз эъзозлаб келаётганлиги учун ҳам Наврўз ҳамиша эъзозда ва ардоқдадир. Наврўзни унутиш, Наврўзни менсимаслик — одамзотнинг энг яхши орзу-интилишларидан юз ўгириш билан баробардир. Бундай бўлмайди, албатта. Одамзотнинг ўз келажагига қатъий ишонч билан қараши — абадийдир. Демак, бундай эзгу ишончлар айёми бўлган Наврўз ҳам абадийдир.

Ўзбекистонимизда Наврўз неча минг йиллар мобайнида Йилбоши байрам бўлиб келган. Аммо тариҳда миллатимиз бошига тушган синовлар Наврўз байрамимиз бошига ҳам тушди. У гоҳида эътибордан четда қолди, гоҳида умуман тақиқланди. Аммо XX асрнинг охирги ўн йиллигида Ўзбекистон эришган мустақиллик Наврўз байрамига ҳам янги ҳаёт бағишлади. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон давлатининг бошлиғи сифатида иш бошлаган 1989 йилда Наврўз қайтадан кенг кўламда нишонлана бошланди. Юртбошимиз 1990 йилдан бошлаб 21 март кунини Наврўз миллий халқ байрами сифатида белгилаб, уни дам олиш куни деб эълон қилувчи ҳукумат қарорини имзоладилар. Наврўз ҳаётимизга қайтди, қалбимизга қайтди. Мана, ўн олти йилки, Наврўз руҳиятимизга қувонч ва эзгуликларни тинимсиз улашиб келмоқда.

Бизда Наврўз фақат севикли байрамгина бўлиб қолаётгани йўқ. Бизда Наврўз анъаналари бор бўйи билан тикланмоқда. Ўзбекистон — бунёдкорликлар мамлакатига айланди. Бу — Наврўзий амаллардандир.

Юртимиз йил сайин янгиланмоқда, чирой очмоқда. Демак, Наврўзий урф-одатлар бизда тобора мустаҳкамланмоқда.

Мустақиллигимиз тоабад бўлсин! Наврўз руҳи бизни доимо қўлласин!

Муртазо СУЛТОНОВ.



Эътироф

Сизларга ҳавасим келади

МАРТИНЕНКОлар оиласи:

— Хизмат тақозоси билан бир неча йиллардан буён Ўзбекистонда истиқомат қилаяпмиз. Турмуш ўртоғим, болаларим ҳам бу ерга жуда ўрганиб қолишган. Очиғини айтсам, юртингизга биринчи бор келаётганимда оиламни Россияда қолдириб келгандим. Бу ерга келиб эса, энг аввало, ҳис қилганим ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги бўлди.

Шундан сўнг, ҳеч иккиланмай уларни ҳам олиб келдим. Бугун ҳаммамиз ўзбекистонликдек бўлиб кетдик, десам адашмайман. Чунки мамлакатингизда барча миллатлар бир тану бир жон бўлиб яшаяпти. Уларнинг мақсад-муддаолари ҳам, тўю байрамлари ҳам уйғун. Айниқса, Наврўз муносабати билан бир дастурхон атрофида жамланган турли миллат вакилларини кўрганимда, бу халқнинг феълига тасаннолар айтаман.

ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ...



Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Наврўз чин маънода янгиланиш байрами, ҳаёт давомийлиги рамзи. У табиатга тириклик олиб келганидек, ҳар бир инсоннинг орзу-умидларини ҳам янгилайди.

Шу кунларда мен ҳам мўъжазгина боғимда кўчатлар экаяпман, гулларни парвариш қилаяпман. Шу билан бирга, немис драматурги Шиллернинг "Макр ва муҳаббат" асарида янги рол ижро этаяпман. Халқимизнинг бу улуғ айёмини шундай қизғин ҳаёт қучоғида қарши олаётганимдан жудаям хурсандман.



Абдулла ДАВЛАТОВ, Самарқанд вилояти, Жомбой тумани:

— Ёшим етмишда. Коримиз ҳам, оримиз ҳам деҳқончилик. Келмаганимизга анча бўлган экан, Тошкент жуда ўзгариб кетибди. Наврўз олди ҳамма жой ораста, кўркам. Айниқса, байрам олдидан одамларимизнинг кайфиятини кўриб, кўнглим тоғдай кўтарилди. Ўзимизнинг байрамларниям шундай нишонлайдиган кун келар экан-ку.



Дилмурод ҲАЙДАРОВ, Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани:

— Наврўзни хосиятли байрам дейишса, унчалик англаб етмасдим. Охирги пайтлар унинг хосиятини ўз ҳаётимда ҳис қилаяпман. Ўтган йили Наврўз арафасида тўйимиз бўлганди. Бу йилги байрамни кўпайишиб кутиб олаяпмиз. Бахтиёр Она ҳайкали қошига келганимиз ҳам бекорга эмас. Бугун турмуш ўртоғим Озодахон ҳам юртимизнинг бахтли аёлларидан.



Мукамбар МУСАЕВА, Тошкент шаҳри:

— Болаларимни эртаклар билан эмас, юртимизнинг шонли ўтмишидан ҳикоялар айтиб катта қилдим. Бугун ҳаммаси уйи-жойли, ишида ҳам обрў-эътиборли. Ўз Ватанининг тарихини билган, қалбига жо қилган одам асло кам бўлмайди.

Ҳозир ўзим нафақадаман. Энди невараларимни шундай тарбияляпман. Бугун Улуғбекжон билан шаҳар айландик. Хотира хиёбонини зиёрат қилдик. Шуларнинг қувончини кўришдан ортиқ бахт борми?



Марҳабо МИРЗААҲМЕДОВА, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани:

— Биз вилоятимизнинг энг чекка — "Серқақирилди" қишлоғидан келдик. Қишлоғимиз тоғлар бағрида жойлашгани учун баҳор бизда анча олдин бошланган эди. Энди дугоналарим Иқбол ва Малоҳат билан пойтахтнинг Наврўзини кўргани келдик. Таассуротларимиз бир дунё.

«Халқ сўзи» мухбири
Анвар САМАДОВ ёзиб олди.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ДАТ «Асака» банки жамоаси

сизларни

Наврўз байрами



билан табриклайди ва даромадларингизни кўпайтириш учун сизларга қуйидаги янги омонат турларини тақдим қилади:

- Миллий валютада **«СОҒЛОМ КЕЛАЖАК»** омонати, сақланиш муддати — ***1 йил, йиллик 18%.*** Омонатнинг бошланғич бадали — ***1 млн. сўм.*** Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга «Асака» банкининг сўм пластик карточкалари имтиёз тариқасида берилади.
- Хорижий валютада ***6 ойлик омонат, йиллик 8%.*** Омонатнинг минимал суммаси — ***2000 АҚШ доллари.*** Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга банк томонидан халқаро «Master Card» пластик карточкалари имтиёз тариқасида берилади.

Бундан ташқари, ДАТ «Асака» банки қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада	
6 ойдан 1 йилгача	*Йилига 17%*
1 йилдан 3 йилгача	*Йилига 17%*
3 йилдан 5 йилгача	*Йилига 17%*
«Олтин куз» омонати *(сақланиш муддати — 3 ой)*	*Йилига 18%*
«Юбилейный» омонати *(сақланиш муддати — 6 ой)*	*Йилига 18%*
«Табассум» омонати *(сақланиш муддати — 45 кун)*	*Йилига 18%*
«Саховат» омонати *(сақланиш муддати — 1 йил)*	*Йилига 18%*
Болалар учун «Умид» омонати *(сақланиш муддати — 3 ой)*	*Йилига 18%*
Хорижий валютада	
6 ойдан 1 йилгача - 1000 — 2000 АҚШ долларигача - 2000 ва ундан юқори АҚШ долларигача	*Йилига 6%* *Йилига 7%*

Хизматлар лицензияланган

Омонатларни банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Банкдаги омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади ва «Банк сири» қонуни билан муҳофазаланади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-86-97, 120-82-02, 120-82-60, 120-86-87.

Республика акциядорлик тижорат банки

«ҒАЛЛАБАНК»

жамоаси



Барча юртдошларимиз ва ўз мижозларини табиатнинг уйғониш ва гўзаллик фасли бўлган

Наврўз байрами

билан самимий табриклайди.

Ҳаммага сиҳат-саломатлик, ишларига ривож ва барака тилайди.

Баҳор айёми муносабати билан халқимизнинг дастурхони тўкин, оиласи фаровон бўлишини истайди.



Байрам муборак бўлсин, азиз дўстлар!

Бундан ташқари, РАТБ "Ғаллабанк" қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

Омонат (депозит) номлари	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сўмда)
«Sovg'a» *(сақланиш муддати — 3 ой)*	18,0	500 000
«Kelajak» *(жамғарма — 16 ёшгача)*	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10 000
«Коммунал омонати» *(сақланиш муддати — 3 ой ва ундан юқори)*	18,0	100 000

«ЎЗАГРОСУҒУРТА»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз аҳолиси ва барча мижозларини

Наврўз байрами билан

чин дилдан муборакбод этади.



Барчага сиҳат-саломатлик, яхши кайфият ва муваффақият тилайди.

Наврўз табиатнинг яшариш, уйғониш фасли бўлиб, унда бутун атроф-муҳит гўзалликка бурканади.

Ана шундай пайтда жамоамиз қишлоқ хўжалиги жамоалари, хусусан, фермерларни табриклаётганлигидан фахрланади.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

«DESK INVEST»
Ўзбекистон – Австрия қўшма корхонаси

Республика раҳбарияти ва кўп миллатли ўзбек халқини гўзал

Баҳор байрами – Наврўз билан мубораквод этади!

Ҳаётнинг янгиланиши ва яшариши рамзи бўлган навқирон Наврўз ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага шодлигу баракат тимсоли бўлиб ташриф буюрсин. У бунёдкорлик ва тинч қурилиш ишларида янги босқич бўлиб қолсин. Ҳаётингизнинг гўзал ва кўркам лаҳзаларида «DESK INVEST» ҳамиша сизнинг ҳамроҳингиздир!

«DESK-INVEST» маҳсулотлари емирилиш ва ташқи муҳит таъсиридан ишончли ҳимояланган.
Финляндия ускуналари ва замонавий технологиялар маҳсулотимизнинг
КАМИДА 50 ЙИЛ
хизмат қилишига кафолат беради.

БИЗ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ:
- 0,5 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА;
- 0,5-0,7 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ РУХЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ;
- ДОИМ СОТУВДА – 1,5-30 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ ҚОРА МЕТАЛЛ ПРОКАТИ.

Манзилимиз: Тошкент ш., З.Шамсуддинова к., 45-уй. Тел.: 399-06-56, 399-06-57. Факс: 390-54-50.

АТ «Туронбанк»

халқимизни баҳорнинг энг гўзал байрами —
Наврўзи олам
билан самимий қутлайди.

Наврўз ҳар бир юртдошимизнинг хонадонига қувонч ва шодлик, файз-барака, тўкин-сочинлик олиб кирсин!

Бу йилги Наврўз ҳар биримиз учун бахт ва омад келтиришини Яратгандан сўраб қоламиз.

TURON BANK

«БЕКОБОДЦЕМЕНТ» АЖ

мамлакатимиз халқи ва унинг меҳмонларини покланиш ва яшариш фасли —
Наврўз айёми
билан чин юракдан муборакбод этади.

Наврўз юртимизга қут-барака, тотувлик ва шодлик олиб келсин! Жонажон Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори янада юксалаверсин!

«Петронас» корхонаси юртимиз аҳлини Наврўзи олам билан чин дилдан табриклайди!

Еру кўкни тўлдириб алёрларга,
Оҳиста қадам қўйиб гулзорларга,
Бахт улашиб йигитлар-у дилдорларга
Келган Наврўзингиз муборак бўлсин!

PETRONAS

Таълим ва ислоҳот

«2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» асосида мамлакатимиз умумтаълим мактаблари тизимида бошланган ислоҳотлар Хоразм вилоятида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ислоҳот, янгиланиш самаралари бутун воҳа мактаблари ҳаёти ва фаолиятида ҳар тарафлама яққол кўзга ташланаяпти. Вилоят Халқ таълими бошқармаси раҳбари, таниқли педагог Азимбой МАДРАҲИМОВ билан суҳбатимиз ана шу мавзуга бағишланди.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ...

— Маърифатпарварларимиз айтганларидек, мактаб — иморатдан бошланади. Шу боисдан, мактабга тааллуқли Давлат умуммиллий дастурида мактаблар қурилиши, уларни капитал реконструкциялаш, капитал ва жорий таъмирлаш масаласи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бу вазифа Хоразм вилоятида қандай ҳал этилмоқда?

— Сиз билан суҳбат барчамиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунларига бағишланган мажлисида Президент Ислом Каримов қилган ажойиб маърузанинг қизғин таассуротлари билан яшаётган кунларда юз бераяпти. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида таълим соҳасидаги ютуқларимизни ҳам алоҳида таъкидладилар. Бундай ютуқлар Хоразм вилоятида ҳам алоҳида кўзга ташланади. Вилоятимиз ҳудудида жами 539 та умумтаълим мактаби мавжуд. Давлат умуммиллий дастуридан келиб чиққан ҳолда, барча мактабларнинг биноларини замонавий таълим талаблари даражасига кўтариш учун беш йилга (2004-2009) мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқилди. Давлатимиз шу мақсадда катта маблағлар ажратмоқда. Кенг кўламда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Биргина ўтган 2006 йилда вилоятимиздаги 67 та мактаб биноси ҳар томонлама янгиланди. 630 ўқувчига мўлжалланган 1 та янги, чиройли, замонавий мактаб қуриб, фойдаланишга топширилди. 21 та мактаб капитал қайта тиклангач, мутлақо янги мактабларга айланди. 32 та мактаб капитал ва 13 та мактаб жорий таъмирланди.

— Мактабларнинг моддий-техника базасини такомиллаштириш, янгилаш бўйича нима ишлар қилинаётганлиги ҳақида ҳам маълумот берсангиз...

— Маълумки, бу масала ҳам Умуммиллий дастурда алоҳида белгиланган. Вилоятимизда бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилаяпти. Айрим далилларни келтирайлик. Жами 539 та умумтаълим мактабимизда Умуммиллий дастур амал қила бошлаган 2004 йилдан бошлаб шу кунларгача ташкил этилган компьютер техника тўпламларига эга синфлар сони 322 тага етди. 2006 йилда яна 49 та мактабда компьютер синфи ташкил этилди, 25 та лингофон, 45 та чизмачилик хоналари очилди. Мактабларимизда, шунингдек, қўшимча равишда 52 та физика лабораторияси, 39 та кимё ва биология лабораторияси замонавий жиҳозланди. 16 та мактаб маънавият ва маърифат хонаси, 13 та мактаб кутубхоналари, 291 та ўқув хоналари, 53 та спорт зали, замонавий мебеллар, ўқув-лаборатория ускуналари, китоблар, спорт анжомлари билан бойитилди.

— Вилоят умумтаълим мактабларида таълим самарадорлигини ошириш юзасидан қандай ишлар олиб борилаяпти?

— Бу масалани ҳал этиш учун биз, аввало, бир қатор ташкилий чора-тадбирларни амалга оширдик. Масалан, ҳар бир мактабда таълим самарадорлиги бўйича ички мониторинг олиб бориш учун эксперт гуруҳлар ташкил этилди. Ҳар чорак охирида ўқувчилар томонидан Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малака (БКМ) бўйича ички мониторинг натижалари мактабларнинг педагогик кенгашларида атрофлича муҳокама этилади ва шу асосда таълим сифатини яхшилашга қаратилган керакли чора-тадбирлар белгиланади. Натижада мактабларда ўқувчилар давомати ва билимларни ўзлаштириш даражалари сезиларли яхшиланди.

Ҳозирги кунда вилоятимиз мактабларида 318 мингга яқин ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг умумий дарсликлар билан таъминланишини такомиллаштириш юзасидан мунтазам иш олиб бораяпмиз. Ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши 2006-2007 ўқув йили бошида 92,4 фоизни ташкил этди. Бу борадаги етишмовчиликларни тўлатўкис бартараф этишда дарсликлар билан таъминлашда қўлланилаётган ижара тизими яхши натижа бермоқда.

Таълим самарадорлигини оширишда ўқитувчиларнинг ўрни ва хизмати катта. Ҳозирги кунда мактабларимизда 28673 нафар педагог-ўқитувчилар меҳнат қилаяпти. Уларнинг ўртача ёши 29-37 ёшни ташкил этади. Халқ таълими бошқармаси педагог ходимларнинг ҳар уч йилда ўз касбий йўналишлари бўйича малака оширишини ҳамда ҳар беш йилда уларни қайта тайёрлаш бўйича умумий истиқбол режасини ишлаб чиқиб, бу режанинг мунтазам ижросини йўлга қўйди. Мактабларда ўз ишига фидойи, янги педагогик технологияларни таълимга дадил жорий этаётган ўқитувчилар меҳнати ҳар жиҳатдан моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

Вилоятимизда ўз салоҳияти билан яққол ажралиб турган айрим ўқитувчиларнинг намунали иш тажрибаларини оммалаштириш чоралари кўрилмоқда. Масалан, «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» республика кўрик-танлови ғолиби бўлган Меҳрибон Аминованинг физика фанидан дарс ишланмалари рисола шаклида чоп этилиб, иш тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилди.

— Вилоятда мактаб таълими самарадорлигини ошириш бўйича қилинаётган бу саъй-ҳаракатлар қандай амалий натижалар бераяпти?

— Бунинг айрим далилларини келтиришимиз мумкин. Масалан, вилоят фан олимпиадаларида ўтган йили 738 нафар ўқувчи иштирок этиб, улардан 15 нафари олимпиаданинг республика босқичига йўлланма олди. 4 нафар ўқувчимиз шу юқори босқичда ғолиб бўлдилар. Янгиариқ туманидаги 11-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси Анвар Иброҳимов Словения давлатида ўтказиладиган математикларнинг халқаро олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Хоразм воҳаси — қадимдан илм-фан, маърифат бешикларидан биридир. Бу ерда Маъмун академиясидек дунёнинг қадимги илм-фан бешикларидан бири бежиз пайдо бўлмаган. Халқимизда «Оққан дарё оқаверади» деган ҳикматли ибора бор. Хоразмнинг бугунги ўқувчиларига бобокалонларининг шижоати ва камолоти доимо руҳ бериб турибди. Уларнинг билимга қизиқиши катта.

— Мактабларда спортни ривожлантиришга эътибор қай даражада?

— Вилоятда болалар спортини ривожлантиришнинг моддий-техникавий базаси йил сайин кучайтирилмоқда. 2006 йилда Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумтаълим мактаблари қошида яна 6 та спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мактабларимизда спортнинг янги ва янги турлари оммалашмоқда. Масалан, спорт сув ҳавзалари, бассейнлар ташкил этилиши, спорт мажмуаларида волейбол, баскетбол, кураш, бокс, гимнастика, шахмат-шашка залларининг бунёд этилаётганлиги мана шу спорт турларининг вилоятимизда ривож топишига омил бўлмоқда. Айниқса, қизларимизда спортга қизиқиш катта. Бугунги кунда, масалан, Нилуфар Рўзматова, Севинч Сатторова каби хоразмлик қизлар Германиядай хорижий давлатга бориб, халқаро миқёсдаги гимнастикачилар билан баҳслашишга муяссар бўлмоқда. Рига шаҳрида ўтказилган стол тенниси бўйича мусобақада Урганч шаҳридаги спорт мактаб-интернати ўқувчиси Шоҳиста Бобожонова кумуш медаль соҳибаси бўлди. Дзюдо бўйича Кореянинг Чежу шаҳрида 2006 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Лейла Бобожонова деган яна бир ўқувчи қизимиз совриндор бўлиб қайтди.

Буларнинг ҳаммаси Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг қувонарли неъматларидир.

«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ суҳбатлашди.

Спорт







Ўтган йили Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Андижон вилояти филиали томонидан 18 та спорт иншоотини янгитдан қуриш ва қайта реконструкция қилиш режалаштирилган эди. Бу иншоотларнинг барчасида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига қарийб 1 миллиард 320 миллион сўм маблағ сарфланди.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Биринчи ўзбек гроссмейстерини хотирлаб...



Пойтахтимизда шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Tashkent Open» халқаро турнири давом этмоқда.

Унда майдон эгаларидан ташқари, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Россия ва АҚШдан келган 70 нафарга яқин шахматчилар ғолиблик учун дона сурмоқдалар.

Осиё чемпионлар лигаси:

Гуруҳ баҳслари қизғин



Бугун Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи иккинчи турига старт берилади. Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» жамоаси Ал-Кувайт шаҳрининг «Кувайт» СК футболчилари меҳмони бўлади. Эсингизда бўлса, Эроннинг «Истиқлол» жамоаси ташкилий қўмитага аризани ўз вақтида топширмаганлиги сабабли, биринчи ўйинда «Пахтакор»га техник ғалаба ёзилганди.

Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган иккинчи жамоамиз «Нефтчи» ҳам биринчи турда сафарда Ироқнинг «Ал-Нажаф» клубини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратганди. Фарғоналик футболчилар бугун ўз майдонида Суриянинг «Ал-Карама» жамоасини қабул қилишади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедралар бўйича янги лавозимларга танлов эълон қилади:

ДОЦЕНТ: анъанавий ижрочилик (1), бастакорлик ва чолғулаштириш (2), халқ чолғулари (1).

КАТТА ЎҚИТУВЧИ: умумий фортепиано (1), хор дирижёрлиги (1), бастакорлик ва чолғулаштириш (2), мусиқий танқид ва журналистика (1), зарбли чолғулар (1), махсус фортепиано (1).

ЎҚИТУВЧИ: мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика (2).

Манзил: 700027, Тошкент шаҳри, Ботир Зокиров кўчаси, 1-уй, ходимлар бўлими. Телефонлар: 144-94-51, 144-95-09.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

314Я/404

Мулкларни баҳоловчи мутахассислар диққатига!

Наманган вилояти хўжалик судининг 2006 йил 15 июндаги 16-0606-828-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган Наманган шаҳар «Агросаноаткурилиш» трестига қарашли «АК-1» корхонасида тугатишга доир иш олиб борилмоқда.

Корхонанинг мол-мулклари баҳоланиши муносабати билан баҳоловчилар ўртасида тендер ўтказилади.

Барча мустақил баҳоловчи жамиятлар баҳолаш ишларида қатнашиш учун ўз аризаларини Наманган шаҳар «АК-1» корхонаси тугатиш бошқарувчисига 2007 йил 24 мартгача тақдим этишлари керак.

Мурожаат учун телефонлар: 233-68-32, 231-99-13.
Манзил: Наманган шаҳри, С.Шерозий кўчаси, 13-уй.
Тугатиш бошқарувчиси — З.Саттарова.

398Я/478

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100 халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Компания мижозлари:

- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 154-66-98.
Факс (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Хизматлар лицензияланган

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида Наврўз байрами арафасида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Боёвут тумани ҳамда Ширин шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур ярмаркада олтмишга яқин корхона, ташкилот, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари юздан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Унда 75 талабгор иш билан таъминланди. 14 нафар фуқаро касб тайёргарлиги ва малака оширишга, тўққиз нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб қилинди.

Д. ЭСОНОВА, ЎзА мухбири.



Российский линолеум
Обои виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
303-38-77
факс 134-49-58

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 23 март, жума куни чиқади).

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси ходимлар бўлими инспектори Ирода Турсуновага падари бузруквори **Мирсобир МИРҲАМИДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедраси доценти Анвар Зуннунжановга синглиси **Малика АҲМЕДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Sport» телерадиоканали давлат унитар корхонаси «Машъал» радиоканали диктори Туҳфахон Аҳмедовага падари бузруквори **Мўйиддин ота МАМАТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 22.45 2 3 4 5 6